
Данғара туманида “Хотин-қизлар ўртасида жиноятчиликдан холи худудга айлантириш юзасидан” чора-тадбирлар дастури амалда.

Данғара туманида “Хотин-қизлар ўртасида жиноятчиликдан холи худудга айлантириш юзасидан” чора-тадбирлар дастури амалда.

Данғара туманида туман оила ва хотин-қизлар бўлими, туман ИИБ, туман Адлия бўлими ҳамда туман Маданият бўлими ҳамкорлигида “Сиз биз учун- қадрлисиз!” номли тадбир ташкил этилди. Тадбирда туман ҳокими ўринбосари, Оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи М.Азизова, туман бош имом хатиби Ш.Ботиров, туман Адлия бўлими ходими И. Тўхтасинхўжаевлар томонидан бугунги кунда давлатими раҳбари томонидан хотин-қизлар учун яратилаётган имкониятлар, шарт-шароитлар ҳақида тўхталиб, ҳуқуқий тушунчалар бериб ўтилди. Тадбирда Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими томонидан “Меҳнат ярмаркаси” ташкил этилиб, ушбу меҳнат ярмаркасида меҳнат бозорида рақобатдош касб-ҳунар турларига ўқитиш орқали бандлигини таъминлаш, ҳамда доимий иш ўрнига эга бўлишлари учун маслаҳатлар берилди.

2023-12-21 16:33:28